



У К А

Ҳикоя

### Турсунмурод ЭРМАТОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Нону тузга шерик. Меҳрибон сўзга шерик. Асли юпанчга маҳтал, асли меҳрга интиқ. Бир мурғак кўнгил, бир беозор қалб. Дари бошқа, дарди бошқа. Бу уйдан биров кет, деб айтолмас, кет, деб ҳайдолмас. Шунки-ки ўрол, шуники амал. Биров эмас у, бегона эмас. Бир ҳокисор аёлнинг – дарёдай қалби борнинг боласи.

\* \* \*

—Эна! – дея аста туртади Жўлли энасини. Қовоқлари қаҳратондаги сумалакдек осилиб қолади. – Яна келаяпти анави, – дейди алами келиб. – Уйи йўқми унинг. Дайди, муллавачча.

—Ҳа, ҳай Жўлликсон, энанг айлансин болам, – дейди жонсарак пичирлаб Жонгул момо. – Асло ундай дема. Уканг-ку, укангга шундай дейсанми? Акам деб сенинг, энам деб менинг олдимга келмаса, қаерга борсин. Сен Тиловжоннинг акаси, мен энаси бўламан. Энди товушини бир оз баландлатади Жонгул момо:

– Бор, чақир, урушмай ўйланглар. Сўра, чой ичмаган бўлса, ана, супада дастурхон, ул-бул еб олсин. Энанг чақираяпти, дегин.

—Ҳе-е, ҳечамда, – дея ори келади Жўлликнинг. – Сиз қандай эна бўласиз унга, уйда энаси бор? Ўйин бузуки-ку, унингиз. Пардавой иккимизнинг пойчамизга ёпишгани ёпишган. Копток ясаб беринг, чиллак йўниб беринг. Ақлли бола фалондай бўлиши керак. Ҳадисда шундай эмиш-да. Муллача. Тилов-қилов.

Бу гапларга Жонгул момонинг кулгуси қистайди. Туриб-туриб хафа ҳам бўлади. “Ҳа кучуккинанг чиққир-а, дея ичида Жўлликни яниб қўяди. шуни нимасини ғараз оларкин, мусичадек беозор бола бўлса, китоб ўқиса ёмонми?”

Тилов ҳеч нарсадан беҳабар, кириб келаверади. Гўдаклигидан бу уйда ўйнаб юриб, шу уй унинг уйига айланиб бўлган. Тортиниш бегона. Сўри устидаги дастурхонни эмин-эркин очиб, нон синдириб еяверади, лунжини тўлдириб майизу ёнғоқ кавшайверади. Бу ишдан Жўлликнинг ғайирлиги қўзийди. Еб қўйгудай олайди. Тесрайганча дейди:

–Кимдан сўраб еябсан?

–Жонгул энамдан. Тилов ишончли қарайди Жўлликга.

–Емайсан... Жўлликнинг авзойи бузилади.

–Эна, қаранг! – Тилов ичкарига юз бурганча жавдирайди. – Жўлли акам нон ема, деяпти! Уй ичидан овоз келади:

—Жўлли, индама, укангга, ейверсин. Жонгул момо кўшиб қўяди. –Тиловжон, энанг яхшима, улим.

Тиловнинг энаси – Қизларсулув узоқ йиллардан бўён ўсал. Эри вафотидан кейин бери қарамади. Ҳар куни Жонгул момо овқат чиқаради. “Бирга енглар, энанг вақтида дорисини ичсин” дея тайин қилади Тиловга. Кун жуда узун. Зерикарли. Тилов сарсари кезади ҳовлида. Латта коптоги аллақачон титилиб кетган. Қушларга тош отишдан бошқа ўйин йўқ. Қушларни пойлаб юради. Симёғочнинг қоқ тепасидаги ку-кулаб турган мусичанинг овозига тақлид қилади. Ғалати овоздан ҳайрон бўлган куш бир лаҳза тинч қолади. Тилов қушнинг эътиборидан илжайиб қўяди. Қуш билан тиллашгандай қувонади. Барибир зерикади. Яна қадамлари Жонгул энасиникига тортади.

Жўлли акаси ундан ўйинчоқларини қизғанади, синиқ-бузуқларини ҳам бермайди. Ўйинчоқ ўйнаш яхши, ўйнагиси келади. Жонгул энасига Жўлли акасини чақиб бериб бўлса ҳам ниятига етмай қўймайди. Жўлликга алам қилади. “Менинг энамни эна дема, дейди. Шундай деб ўч олади. – Эна қилиб қўйганинг йўқ. Ўзингни тукқан энанг бор, ўшани эна дегин.” Тилов йиғламсирайди.

Тилов ўйинчоқлари бўлишини орзу қилади. Китоб ўқиб зерикканида қани эди Жўлли акаси ясама учқичини бериб турса, у ҳам бир яйраб учирса. Унинг ўйинчоқлари йўқ. Ҳеч қачон бўлмаган.

Кеч киргунча Жонгул момонинг атрофида ўралашади. Уришса ҳам Жўлли акасига эмраниб, ака-акалаб юради. Кеч кириб уйига қайтади. Кейин энаси ётган ўрин ёнидан ўзининг кичкина кўрпачасини тўшайди. Энаси билан гаплашиб ётишни жуда-жуда хоҳлайди. Бироқ энасига кўп гапириш зарар. Унга тикилиб қарайди ҳар кеч, кейин энасининг пешонасига астагина лаб босади, энаси секин кўзларини очади, кейин пичирлагандай уни кун бўйи нима иш қилганию қайси китобни ўқиганини сўрайди. Ухлагунча дорисини ичади. Тилов сув олиб келади. У миннатдор бўлиб синиққина жилмаяди. Энасининг жилмайиб туриши ҳорғин ва киртайган кўзларидан аранг сезилади. Кейин ухламоқчидай бошини кўрпага ўрайди. Кўрпа титраб-титраб кўринади. Тилов кўрпа устидан энасининг елкаларига авайлабгина бош қўяди. Хаёлидан кечади: “Бугун кўп иш қилдингизми, энажон?”

Тилов отасини элас эслайди. Отаси яхши бўлиб кетса, уни Самарқандга олиб бораман деганди. У ерда

баланд-баланд минорлар бор. Бир куни ҳовлиларига одамлар жуда кўп келди. Отасидан бошқа ҳамма келди...

\* \* \*

Кўп бўлди у кунларга. Қўрғонтов эниш қишлоқлардан Бердимурод деган полвон овоза бўлди. Полвоннинг кураги ер кўрмади ҳали.

Тарахли катта уруғ. Бу юртда Бердимуродга ўхшаган алп йигитлар серобликда сероб. Бу улусда Қулниёз деган бойлар бор. Ойпарчадай қизлар бор. Ойпарча бойнинг қизи. Бир арзандаси. Бу элда шундай дегичлар бор, эркалашдир-да, бу ҳам бир: Ойпарча қиз эмас, ўғил эмиш. Ҳамма қизини қизим деса, бой ота улим дермиш. Фақат Ойпарча деган малакни. Бошқани эмас, бошқасини эмас. Отаси кўкда тутса, малак деса малакдир-да. Бердимурод дегич полвон-чи? Бердимурод ҳам анойими? Кураги ер кўрмай, овозаси ошиб, қадри тошиб турган алп-да, у ҳам. Ўзини бой-боёрнинг қизига тенг тутмай ғарибу ғурабонининг илкани тутсинми? Ул шундай деб ўйлар, шундай деб сўйлар. Алқисса Қулниёз бой не деб ўйлар. Бердимурод-ку, полвондир, зўрдир. Элга доврўғ солгандир. Аммо у шўринг қурғурнинг падари ким асли, палаги ким асли? Жисмида кимнинг қони оқиб ётар. Кимнинг жони оқиб ётар? Бир бенаво мол боқарнинг, ковуши тезаклининг! Ҳар ерда ҳам тошу тарози бор. Тафавутга тош кўйиб кўринг, бу ёғи – Кухи Қофдан баланд, Баҳри Наҳрдан ҳадсиз.

Йигит мусулмончиликдан чиқмади. Эл қилганини қилди, улус қилганни қилди. Бойникига одам қўйди. Совчилар маҳтал қайтди. Совчилар мустар қайтди. Бойнинг беписанд сўзидан беҳуд қайтди. Қиз Бердимуродни кўрмаган бўлса ҳам майли эди, зимдан боқмаган бўлса ҳам майли эди, э, боринг, айтмасак – айтдик: хуфяда биргина бўса бермаган бўлса ҳам майли эди... Бердимуроднинг севгиси-ку тошдан қаттиқ, қизники ҳам шундай чиқди. Осмондек қутлиғ чиқди, хуршиддек ўглиғ чиқди. Бўлса шундай бўлса-да ишқ дегани, бўлмаса тўзиб кетмайдими.

\* \* \*

Бердимурод ва Ойпарча тунларнинг бирида қишлоқни ташлаб чиқди. Тўғри йўлни Яратгандан сўради. Замон қаттол, манзил мавҳум. Ёбон ортда қолди, баланд тоғнинг оқ қорлари ортда қолди. Олам яшил, яйловлар фусункор, дарёю жилғалар само каби мусаффо бир ерлар эди ўтар жойлари. Бир ўроқчи ўт ўрарди. Ўроқчи бир фақир, Худо таниган бир банда чиқди. Воқеадан огоҳ бўлган мезбон уларни кечиктирмай уйига олиб кетди.

Қулниёз бой гўё хушидан айрилди. Эшитган кулоқ хайрон. Чор томонга чопар чопди. Бозорларда аюҳаннос, эшикма-эшик важоҳат солган ботирлару шотирлар...

Кун кетидан кун ўтди, ой кетидан ой ўтди, оқибат ҳаммаси совиди, лойқа сувлар тиниди. Ўроқчи дея

атаганимиз Хушмурод икки дилга ота ўрнида бўлди. Меҳмон йигит ва қиз никоҳланди, умрларининг охиригача шу маконни ватан тутди. Алқисса Бердимурод полвон билан Ойпарча кун ўтиб беш фарзанднинг ота-онаси бўлди. Уларнинг жонини асраган Хушмуроднинг яккаю ёлғиз Мирсодиқ деган ўғли бор эди. Мирсодиқ вояга етиб, уйланди. Бироқ бир кам дунё экан, фарзандсизлик укубати эр-хотин қаддини ёйдек букди. Жисмига дардлар ташлади. Бироқ Яратганнинг карами кенг, нусрати беқиёс. Тилаб олинган фарзанднинг исми Тиловжон бўлди.

Бердимурод полвон ва Ойпарчанинг беш фарзандининг бири Жонгул эди. Мирсодиқ Жонгул билан бир йилда туғилди. Ака-укалари қатори Жонгул ҳам ота-онасига жондош бўлган Мирсодиқнинг отаси Хушмурод бобони ўз отасидан кам яхши кўрмади, яна ҳам гапнинг бўлари, беш фарзанд ҳам бу уруғдан бир қадар қарзи бордай бўлди, қариндошдай бўлди.

Жонгул момо ёши ўтганда кўрган Жўлли эркарроқ бўлди. Дам тур-тек турни билмас. Тиловга эллиги йўқ, укам демайди, оғам демайди. Энам деб қизгангани қизганган. Жонгул момо-ку, Тилов деса, жон бергудай. Тилов эна деса етти бўғини бўшайди. Бу гаплар унинг қулоғига мойдай ёқади. Эрта-кеч ёнбошида. Бир оёғи уларникида. Тиловни болам дейди. Тилов энам дейди. Тиловнинг суянчи. Ёнини олгани олган. Эна бўлса шунчада. Эна бўлмай ким бўлсин яна?

Яна ўша овоз. Жонгул момо сергакланади. Жўллинг қитмирилиги.

—Эна, Жўлли акамга қаранг ёнғоғимни тортиб олди. Боғ адоғидан келади товуш.

—Жўлли укангга тегинма, Жўлли! Ҳа, уйгинангга буғдой тўлсин-а, бер ёнғоғини! Жўлли тек қотади, ўкрайди. Тиловга муштани дўлайтиради.

—Жуда жонга тегдингда, сен дардисар, – дейди алами келиб. – Тилов-қилов.

—Қилов эмасман, қилов эмасман! Зориллайди Тилов. Жонгул момо ҳаммасини эшитиб ўтиради. Кулиб қўяди. Тилов ўз оти билан тилаб-тусаб олинган фарзанд. “Тилаб олинган бола топилганни еб-ичиб, дўппосдай бўлиб кетавермайдими? Авайлаган кўзга чўп тушар. Чиллик чўпдай. Ейишида ҳам бир суроб йўқ”. Хаёлидан ўтади Жонгул момонинг.

Тиловнинг энаси Жонгул опаси келганда ҳасрат қилади. “Опа, дейди астойдил куйиниб. Тиловингизнинг ҳеч иштаҳаси йўқ-да, бундай, топилганини еб-ичиб кетавермайди, қилов-пилов бўлганми нима бало шунингиз, дея синиққина кулади. Бу гапни эшитиб ўтирган Жўлли бирдан сергак тортади. Чиппа-чин ишонади. Кўз олдига емиш емай қолган молнинг тилини оғзидан зўрлаб чиқариб, кум қайроқ ишқаб турган отаси келади-ю, пиқиллаб кулади.

Энди у кунлар ортда қолган. Эслаганда кулгиси келади. Бироқ кулса, яшириб кулади. Нега кулишини сўраганда не деб жавоб қилади. Тўғриси айтса

жондек уканинг кўнглига келмайдими? Не бўлса ҳам беғараз кечмиш.

Жўлли бу хабарни кўчадан эшитдию уйига чопди. Қани эртароқ ета қолса. Ҳовлиққанча дарвозадан кирди.

—Эна, хов эна, уйдამисиз? – Суюнчини чўзинг, Тиловингиз зўр чиқди. Ўқишга кирибди. Энди олим бўлади бунингиз, олим!

—Ҳай, ҳай нима деяпсан Жўллижон? Уй ичидан Жонгул момонинг энтиккан саси келади. Бир деразага чопади, бир эшикка. – Ҳовлиқмай гапир. Буйтиб тушунтириб гапир. Тилов дейсанми? Ўқишга кирибди дейсанми?

—Ҳа, ўқишга, эна, ўқишнинг зўрига!

—Боламдан айланай, бўлар бола бошидан! – Суюнчи сендан айлансин, Жўллижон, укангнинг ўзи қани, қаерда у. Бир бағримга босай улимди.

—Ўтираверинг эна, ўтириб туринг. Жўлли ҳам энасига қўшилиб куйиб пишади, тургани жой топмай ҳовлиқади. – Ҳадемай келиб қолади, йўлда эмиш, йўлда!..

—Бир маҳаллар уни муллавачча деб майна қилардинг Пардавой икковинг. – Жонгул момо болаларча завкланади. – Ана, кўрдиларингми, боламди!

—Ҳе, энажон-а, – дейди Жўлли ён бермай. – Гапирасиз-да, биз уни жонига тегардик. Аслида жонимизга жойлардик. Укани ака тергаган-да, эна.

—Тўғри болам, тўғри. Ака укани ёмон кўрармиди.

\* \* \*

—Жўллижон, акаларинг уйли-жойли бўлди, – деди бир кун Жонгул момо Жўллини ёнига олиб. – Энди навбат сеники-да болам. Кўнглинг Пардавой жўрангнинг сингисиди экан, опангдан эшитдим, шундай деди-да, опанг. Кўча-пўчадан эшитган чиқар. Бўлмасам, сен айтармидинг. Унда мен эртан туриб, борай, Майрам холагнди кўндирай. Ҳар сўраганимда дамнинг чиқмай ўтирасан. Бу гал бир нима дегин? Жонгул момонинг сўрови қатъий эди. Жўллини ўйлантириб-ўйлантириб кўярли эди.

—Ақиқ пучуқми? Жўлли кулгига олди. – Ҳали бачча-ку, эна, унингиз.

—Қаери бачча, менга қара, ҳай, кетма... Жонгул момо ҳай-ҳайлаганича қолаверди. Жўлли кула-кула ташқари чиқаверди.

Кўзлари охуникига ўхшайдими Ақиқнинг? Жўллига ҳам билинганмиди бу? Кейинги вақтлар шуни кўрса ғалати бўладиган, гапирар гапи адашадиган. Бўлмасам, шу тирмизак билан ҳам тупроқ ўйнаб катта бўлган. Жонгул момо бир гал ҳазилу чин қилиб Майрам ҳамсоясига кулоқ қоққани бор. Қоқмасинми, синаган, қошида катта бўлган қиз. Тўй-маъракаларда: “Бир қизни кенжатоимизга мўлжаллаб юрибмиз” деганда Жонгул момо Пардавонинг сингисиди Ақиқни назарда тутаётганини наҳот эл билмай қолган бўлса?..

—Эна, тараддингизни кўринг, – деди Жўлли эртаси

энасининг қошига чўкиб. Сас гўё бегонаники эди. Ҳайрон тикилди Жонгул момо. Англамай тикилди. – Совчиликка борадиган бўлдингиз, эна. Синиқ эшитилди гап.

—Майрам холагникигами, Жўллижон?

—Майрам холагникига-да, энажон, эмасам кимникига бўларди.

—Ҳозир болам, ҳозир, янги рўмолимди ўраб олайин, ҳозир...

—Мен ҳам борсам бўладими, сиз билан, эна?

—Кет нари, ҳазилинг курсин. Ёлгон пўписи қилди Жонгул момо. – Ҳеч замон одам ўз киндигини ўзи кесади? Жўлли кула-кула келиб энасини беозор кучоқлади.

—Совчи менданмас, – дея яна кулди Жўлли. Ичи ситила-ситила кулди йигит.

—Ҳай бетамиз, сендан бўлмай кимдан? – деди Жонгул момонинг аччиғи келиб.

—Тиловингиздан, энажон, Тиловингиздан! Жонгул момо бир сесканди, ўйлари бетизгин чувади. Ичидан бир нима чирсиллаб узилди. Миқ этмади. Нега деб сўрашга мадори етмади. Сўраса бир фалокат юз берадигандай, жони узилиб кетадигандай. Астагина қоқ гилам устига чўкди. Жўллининг энасига тикиб турган нигоҳлари кула туриб ёшланди, ёшлана туриб кулди. Товуши титраб кетмаслиги учун гапирмади, гап кўшмай тураверди. Эна-бола узоқ жим қолишди. Гап борми гапиргидай, сўз борми сўйлагидай? Энаси эпсиз-эпсиз қаради Жўллига. Энасининг термулган садоси йўқ, сўзи йўқ саволига Жўллининг тилларидан базўр сирғалди бу гап:

—Ақиқни Тилов яхши кўришини қаердан билай, эна?!

Жонгул момо эртани кутмади, индамай уйга кириб рўмолини ўраб чиқди. Майрам ҳамсоясиникига қараб юрди. Шу куни Жонгул момо қизнинг бошини Тиловга боғлаб қайтди.

Дераза пардалари оша бир қиз узоқларга ҳайрон-ҳайрон тикилди.

Бахт четлаб-четлаб борди бир йигитдан.

Сирларини акасига ёзган йигит толега кучоқ очди...Тун узоқ чўзилди...

\* \* \*

Ёз келиб Тиловнинг уйи ёнидан янги уй солаётган Жўллига ҳормангга келган ҳамқишлоқлар сўрашди:

—Бу нима ташвиш Жўлливой? Уй кимга?

—Кенжамиз Тиловжонга-да!

—Ие, ўзингиз кенжасиз-ку, Жўллижон?!

—Йўғ-е, биздан ҳам кичиғи бор. Жўлли ним кулги қилди. –Ишонмасангизлар ана, энамиздан сўрангизлар! Уй ичида кўрпа қавиб ўтирган Жонгул момо бу гапдан бир қалқиб тушди. Ич-ичидан алланима тошиб келди. Кейин ёшли кўзларини кенг енгилан билан артди. Уни йиғлаётганини ҳам кулаётганини ҳам билиб бўлмади.